



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - noyabr

1106 -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Матчанов Жуманазарга
“Гулшан” маҳалласи ҳудудида жойлашган
“Хусусий дўкон” биносига бўлган эгалик
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Матчанов Санжар Жуманазаровичнинг мархум отаси Матчанов Жуманазарнинг “Гулшан” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Хусусий дўкон” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 1 декабрдаги ХО-М-3392-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 1999 йил 18 сентябрдаги 377-сонли, 2014 йил 19 майдаги 820қ-сонли қарорларига ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 25 ноябрдаги 4059-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами ички ўлчами 10,40 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 14,0 квадрат метр, умумий ер майдони 14,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Хусусий дўкон” биноси мархум Матчанов Жуманазарга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Мархум Матчанов Жуманазарнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Хусусий дўкон” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев